




ТОШКЕНТ ОКННОМ

ШАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСІЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 40 (9.384) 2000 йил 5 апрель, чоршанба

Сотувда эркин нархда

Инсон хотираси — муқаддас туйғу

Шахримизда бунёд этилаётган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида маънавиятимиз юксалишининг муҳим бир тўқимаси сифатида ёндошсак айни мўъжаз бўлади. Бутун халқимиз ушбу мажмуининг бунёд этилишини зўр қувонч билан қабул қилди. Зеро, ижтимоий адолат тантана қилиб, қатагон йилларида умри ноҳақ ҳазон этилган энг сара зиёлиларимиз хотирасини эслаш, улар руҳига таъзим қилиш жуда улкан савобдир. Бахорнинг илик ва тароватли оғиларида ҳозир даярли ҳар кун ушбу файзли гушада умумхалқ ҳашарлари ўтказилаётгани, ёшув қари зўр иштиёқ билан ободонлаштириш ва тиклаш ишларида қатнашаётганлигининг зўвухи бўялди. Бу савобли юмушга шахримиз маҳаллаларининг аҳолиси, олий ўқув юртлиари, мактаб ўқувчилари, давлат муассаса, ташкилотларини ҳусусий корхоналар ахллари, ҳудудас барча ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Биз бунёд этилаётган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи олдидан бир гуруҳ нурунийлар билан суҳбатда бўлдик.

ШАХИДЛАР РУҲИ ШОД БЎЛАДИ

● **Раҳматилла ота РАҲИМОВ,**
меҳнат фахрийси, «Оқбад» маҳалласи фуқароси:

— Шахидлар хотираси ёдгорлик мажмуи маҳалламиз ёнида жойлашганлиги сабабли бу ерни болалигимдан бошлаб яхши биланман. Илгари, «Алваста кўприк» номини олган ушбу ҳудудда қоронғида кишилар юришга қўқрак, кечалари безорилар дайдиб юрарди. Шуларга истибодди пайтидаги қатагон йилларида эса бу ерларда кишилар кечалари отилиб қўйиб юборилганлигини кўп марта эшитганмиз. Шу ўринда шахсан ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб ўтмоқчиман. Олтиминчи йилларда экскаватор бошқардим. Гишт заводи эҳтиёжлари учун шу атрофдан тупроқ ағдариш пайтида чуқурликдан ногаҳон кўпалаб дўппи, салла, тўн қолдиқлари, инсон суяклари чиқиб қолди. Кўрқувдан ўзимни йўқотган ҳолда уларни яна апил-тапил қўйиб юбордим. Уйга борган, шу кун раҳматли онамиз билан бирга шахидлар хотираси учун қурбон оятларидан тиловат қилдик.

Илгарилири бу ҳақда ҳатто гапириб ҳам бўлмасди. Мустақиллик бизга нафақат ўтмишининг нури хотираларини тиклаш, балки мана шундай маъмулар орқали шахидлар руҳига таъзим баҳо этишга ҳам имкон тудирди. Шундай улкан ишларга бош-қош бўлаётган Ўртабўшимиз доимо соғ ва омон бўлишларини Ўратандан тилаб қоламиз.

● **Абдулла ота ТОЛИПОВ,**
меҳнат фахрийси:

— Иккинчи жаҳон уруши жангхонларида галаба учун ўз жонини фидо қилган, ҳоки пойлари ўзга юртларда қолиб кетган мард ўғонларимиз номлари битилган Мустақиллик майдонидидаги Хотира ибодоти шахримиз жомолига узукка кўз қўйгандек ярашиб, ҳамоюртаримиз доимо гавҳум бўладиган файзли қадимжого айланган.

Мана, Президентимиз ташаббуслари билан яна бир шундай улғур ишга қўл урилиб, ҳозирги кунда шахримизнинг энг сўлими гўшаларидад бирига айланган, аслида айнан кўпалаб буюноҳ юртдошларимизнинг қонлари ноҳақ тўкилган жойда «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг қурилиши қизгин паллага кирди. Бу Ватанимиз озолигини ўйлаб, шу йўлда қуниб қурбон бўлган фидойиларимиз хотирасига буюк эҳтирдир. Мен ҳам бу ерга келиб бунёдкорлик ишларига оз бўлса-да ўз ҳиссанини қўшган ҳолда шахидлар руҳини шод этишга аҳд қилдим. Бундай эзгу ишга овланганларнинг ниҳоятда кўпчилиги эса маънавиятимиз бўлоқлари кўз очиб бораётганидан далолат бериб, дилларни қувонтиради.

Дилшод ИСМОИЛОВ ёзиб олди.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ҳамда ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда. Президентимиз Ислам Каримов иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясида ҳамда Исроиллар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишида, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги матбузатларида ҳам ушбу масалага жиддий тўхталди.

КЕЧА

пойтахтимиздаги Ўзбекистон бадий академиясининг «Хамар» халқаро алоқалар марказида ўз ишини бошлаган IV Тошкент савдо-саноат ярмаркаси ҳам Президентимиз белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда уларни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Шахримизда ажойиб анъанага айланиб қолган ушбу савдо-саноат ярмаркасини Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов кириш сўзи билан очиб, унинг қатнашчилари ишига муваффақият ва омад тилади. Сўнгга кўрғазма залларини айланиб, ярмарка иштирокчилари ҳамда уларнинг йўлга қўйганмиш. Бектемир туманида ўтказилган «Ташаббус — 2000» кўрктановида қўйилган кўлга киритдим. Бугун жуда кўпчилик билан мулоқотда бўлдим. Уйлаيمانки, ушбу ярмарка иминимиз ривожига катта хисса бўлади.

● **Ҳасан АБДИШУКUROV,**
«Нон-паста» хиссдорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари:

— Ярмаркада туртинчи марта иштирок этаямиз. Бу бизга жуда кўп шартномалар тузиш, ҳамкорлар топиш, харидорлар фикрини ўрганиш имкониятини беради. Жамиятимизда 100 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилаётган. Ярмаркада иштирок этиш бизга янги гоа ва янги фикрлар бераётганидан беҳад хурсандимиз.

Ярмарка иштирокчиларининг ҳам, қатнашчиларининг ҳам биринчи кундаги таассуротлари бой бўлди. Улар билан суҳбатлашар эканмиз мамнуликларини ҳис этдик.



● **Гулчехра ХАБИБУЛИНА,**
«Хабигул» хусусий фирмаси раҳбари:

— Ярмаркадан, бу ерда бизга яратилган шарт-шароитлардан беҳад мамнуимиз. Корхонамизда ювучи ва тозаловчи воститалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Бектемир туманида ўтказилган «Ташаббус — 2000» кўрктановида қўйилган кўлга киритдим. Бугун жуда кўпчилик билан мулоқотда бўлдим. Уйлаيمانки, ушбу ярмарка иминимиз ривожига катта хисса бўлади.

● **Ҳасан АБДИШУКUROV,**
«Нон-паста» хиссдорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари:

— Ярмаркада туртинчи марта иштирок этаямиз. Бу бизга жуда кўп шартномалар тузиш, ҳамкорлар топиш, харидорлар фикрини ўрганиш имкониятини беради. Жамиятимизда 100 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилаётган. Ярмаркада иштирок этиш бизга янги гоа ва янги фикрлар бераётганидан беҳад хурсандимиз.



● **Мухаррам ИБРОХИМОВА,**
ёғоч ймакори:

— Биринчи марта пойтахт ярмаркасида иштирок этаямиз. Барча қулайликлар мавжудлиги тадбиркорларни мамнун этмоқда. Энг қувонарли томонимен Акмал Икромов туманида «Энг яхши ҳунарманд» деб топилдим ва шаҳар «Ташаббус — 2000» танловида ҳам қатнашаман. Мақсадим ўзимнинг санъат асарларини билан Ўзбекистоннинг жаҳонга танилишига хисса қўйиш.

Ярмаркада иштирокчилар ва меҳмонлар учун барча қулайликлар яратилган. Албатта, ушбу савдо-саноат ярмаркаси амалий ҳамкорлик, ўзаро фойдали битимлар тузишда барчага қўл келади ва унинг иштирокчилари мамлакатимиз иқтисодиёти раванқига муносиб улуш қўшади.

● **Шарифа ИЛЁСОВА,**
«Шарифа» Тошкент савдо-саноат ярмаркасида лавзалар.
Сергей Любич олган суратлар.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНАБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГҲА ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Кеча** бўлиб ўтган Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссияси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида баҳарилишини ўрганиб чиқиш ва унинг натижаси қўшма йиғилишда муҳокама қилинди.
- Тошкентда республикамиз олий ўқув юртлиари ректорларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.
- Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Шимолий Атлантика бловининг (НАТО) илмий қўмитаси делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлди.
- Республика матбуотида академик Яхё Ғуломов номидида «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий-семинари қатнашчиларининг Ўзбекистон тарихчиларига Муҳолатномаси эълон қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ишлов қилиш борасида»ги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида қўрсатилганидек, Марказий банк томонидан 2000 йилнинг апрелидан бошлаб ўзгарувчан қайта молиялаш ставкасини белгилаш механизми жорий этилди.
- Ўзбекистон прокуратурасида республика идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгашининг мажлиси бўлди.
- Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазириликда тошқин, сел оқимларини оқибди юбориш, қўчи ҳодисалари билан боғлиқ оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари радиожурналистларининг «Янгиликлар ва долзарб дастурлар» мавзусидаги халқаро семинар-тренинги иш бошлади.
- Жиззахда «Ташаббус-2000» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.
- Япониянинг «ОАК Принт» компанияси раҳбари Мами-ко Окабе хоним Ўзбекистон Бадий академияси кўмагида 2001-2002 йилларда Японияда Ўзбекистон тўқимачилиги ва халқ амалий санъати усталарининг қўлини қўйиш мақсадлари кўрғазмасини ташкил этиш учун юртимизга ташриф буюрди.
- Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ноах Гал Гендлер Андижонда бўлди.
- Ўзбек кино усталарининг «Аждодлар йўли» ҳужжатли фильми Буюк Ипак йўли тикланишига бағишланди. У «До-стонфильм» студиясида суратга олинди.
- Республика мусиқа мактаб-интернати тарбияланувчилари орасида Соғлом авлод йилга бағишлаб ёш ижрочилар кўрик-танлови ўтказилди.
- Тошкентда Шарқ яққа кураши — ушбу бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати якунланди.
- «Юнусов» спорт мажмуида 7-9 апрель кунлари теннис бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Дэвис Кубогининг навбатдаги босқичида Янги Зеландия катта ракетка усталари билан беллашадилар.

ЖАҲОНДА

- **Бугун** Россия Марказий сайлов комиссиясининг хабар беришича, мамлакатда ўтказилган Президент сайлови натижаси тўлиқ якунланди. Мамлакат Марказий сайлов комиссияси сайловда ғолиб чиққан Владимир Путин шў йилининг 7 майида қасамёд қабул қилишини маълум қилди.
- **Кеча** Арманистон парламенти мамлакат бош прокуратори илтимосига биноан депутат Ванно Сератеяни қамоққа олишга рухсат берди. Бирок депутат номаълум жойга ашириниб ушбу жазодан қочиб юрибди.
- **Бугун** АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн Иорданиядан Форс кўрғазми мамлакатларига йўл олади.
- **Бугун** Американинг Геннекси штатида ўтган 40 йил мобайнида биринчи марта ўлим жазоси қўлланилди. 8 ёшли қизани ўлдирган айбланган, 1979 йилда туғилган Роберт Клен Кони шундай жазо кутмоқда.
- **Кеча** Белоруссия Президенти Александр Лукашенко икки кунлик ташриф билан Тожикистонга келди. У бу ерда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашди. Икки мамлакат раҳбарларининг суҳбатлари якунида дўстлик ва ҳамкорлик юзасидан тузилган шартномага имзо чекилди.
- **Кеча** Бойкундир космодромдан ичида россиялик космонавтлар — Александр Калери ва Сергей Залетинлардан сойрат экинчи бўлган «Союз» кемаси фазога учурилди.
- БМТ Хафсизлик Кенгаши «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури доирасида нефть қазиб олиш техникаси эҳтиёт қисмларини хариб қилиш учун Ироққа ажратилган маблағни қарийб икки хиссасида ошириш ҳақидаги қарорни тасдиқлади.
- Европада Хафсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер 13-15 апрель кунлари Москвага ташриф буюради.
- 9 апрель дам олиш кунини Грузида Президент сайлови бўлиб ўтди.
- **Кеча** Туркия парламенти Президент Сулеймон Демиррели сайловда Президентликка яна бир мўддат ўз номзодини қўйиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.
- Словакия ҳукумати мамлакат шарқидидаги дарёлар сатҳи сўнгги тўрт кун ичида 3,5 метрга кўтарилгани ва тошқин хавфи юзасида қўлланган ташвиш билдирди.
- **Кеча** Шимолий Корея пойтахтида ушбу мамлакатнинг Япония билан ўзаро алоқасини яхшилаш масаласи юзасидан музокаралар олиб борилди.
- Туркия Бош вазири Бюлент Ёвевитининг Хиндистонга қилган тўрт кунлик ташрифи ниҳонига етди. Ташриф давомида икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликларини ўртасида сиёсий маслаҳат механизмининг ташкил этиш тўғрисидаги шартнома, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш ва маданият соҳасида ўзаро алмаштириш дастури имзоланди.
- Испания суди мамлакат пойтахтидаги «Банесто» банкнинг собиқ президенти Марио Кондени ўш йил мўддатга озодлиқдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.
- Германиянинг Аштенберг шаҳри яқинида қўчи авиация ҳалокати содир бўлди.

Тадбирлар

ДИЛАДАГИ ЭЗГУ НИЯТЛАР

Тошкент Тижорат техникумида бўлиб ўтган шодлиқлар «Хар кунинг Наврўз бўласин» деб номланди.

Азалий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимизни ўзда муҳасас этган, дилларга меҳр-оқибат тўйгуларини солувчи ушбу байрам ҳақида тўқинчи йилдан бери техникум директори Юсуф Расулов барча йиллардан бери Наврўз билан қўлгаб, ҳар бир инсон учун йилнинг қўлуғ келишини тилади. Дастурхон тўрида ўтирган меҳнат фахрийларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром қўрсатилди. Алоҳи ва жамоат ишларида фаол талабалар моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Талабалар ижросидаги Наврўз, Баҳор, бахт ва Ватан ҳақидаги қўшуқлар, «Ер-ёр» ва «Келин салом»лар, спорт мусобақаларини айтишувлар кеңага алоҳида файз бағишлади. «Кимнинг вағрағи узоқ масофага учад?» беллашуви ҳам ўзига хос тарзда ўтди.

Байрамдан бир олам завок олган талабалар умбўқий Наврўзакимизнинг янада асрлар оша яшаш, авлодлардан авлодларга ўтиши, ўз навиқронлигини ҳаммиза намоён этишини юзларидаги севинч билан бир-бирларига бағишлашга эҳтирдир. Диллардаги эзгу ниятлар тилларга кўчди.

Азиз ШОКИРОВ,
Дилшод ИЛЁСОВ,
техникум талабалари.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

КЕЧА

маниш хизмат қўрсатиш коллежидида халқаро семинар ўз ишини бошлади.

Маълумки, 1999-2000 ўқув йилининг бошида ушбу йнги ўқув маскани Германия билан техник соҳада шартнома тузганди ва шу давлат мутахассислари томонидан коллежга бир неча техник анжуманлари, шу жумладан компьютерлар ҳам инъом этилганди.

Ўтаётган семинар таълим соҳасида стандартларни ташкиллаштириш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш масалаларига бағишланди. Тадбир минтақавий ҳамкорлик доирасида ўтиб, семинар ишида Россия, Қозғистон, Қирғизистон мамлакатларининг вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар.

Семинар ўш кун давом этди.

ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК

Президентимиз ташаббуси билан Хотира ва қадрлар кўни деб ном олган 9 майга ҳам оз кунлар қолмоқда. Ушбу кўнлар санага жойларда қизгин тайёргарликлар қўрилмақда.

Хушхабарлар

БУГУН

Хамза тумани «Нурунийлар» жамғармасининг маҳалла ва корхоналарда ташкил қилинган мазкур ташкилот бўлиналарининг вакиллари йиғилишида қилинган ишлар, Хотира ва қадрлар кўнида уруш иштирокчиларини ва фронт ортида хизмат қилганларни қўлаш масалалари тўғрисида сўз борди.

ЎҚИТУВЧИ — УЛУФ НОМ

ЭРТАГА

Хамза тумани ҳақ таълими бўлимида ўқув-семинар бўлиб ўтади.

Мактаб ва мактабгача бўлган муассасаларнинг ўқитувчи ва тарбиячилари иштирокидаги бу тадбирда «Соғлом авлод» дастури бўйича машғулотлар ўтказилди.

Тингловчиларга ушбу дастурнинг мақсад ва вазифалари ҳақида, уни ҳаётга тадбиқ этишда, ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, жисмоний ва маънавий соғлом бўлиб ўсишда мураббийларнинг ўрни ва масъулияти ҳақида сўзлаб берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот гуруҳи.

Ободонлаштириш ойлиги

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Шу кунларда шаҳримизда ободонлаштириш ва ҳўжалар-лаштириш ойлиги қизгин одам этмоқда. Шаҳарнинг турма-маҳалласига кириб бораёзми тоза, озода кўчалари, барқ ўрни оқилган гуллар маҳал берилаётган бўлар, янгилаб турган дараклар, саранжом-саринишларни кўриб бахти-динисиз оқилади.

— Маҳалламизда 4.200 аҳоли, 950 та оила истикомат қилади, — дейди Хўжайида маҳалласи оқсоқоли Олим Нурматов. — Хар бир ўтказилаётган тадбир ҳамжиякатлик билан, бир ёқадан бош чиқариб, ҳашар йўли билан амалга оширилади. Маҳалла ўтаётган «Жараник» анжори ўтган бўлиб, маҳалла аҳолисининг 90 фоизи мана шу оқар сувдан экинларини сўго-

Биз ва жаҳон

АВИАЦИЯМИЗ УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

КЕЧА

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконкомпаниясида ушбу тизим раҳбарлиги ва журналистиклар иштирокисиди йил акциялари, янги эзгу ушбу маънавий бонаннинг бағиш-аваз матбуот алжумали бўлиб ўтди.

— Ўтган йили миллий авиаконкомпаниямиш барча қўрсаткичлар бўйича режаларини бақарди, — деди жумладан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконкомпаниясининг бош директори Арслон Раҳмонов. — Хусусан, 1 миллион 708 мингга йўловчи, 37 минг тоннага яқин халқ ҳўжалиги юклари ташинди.

Флоатинимизни янгида қўчи-тириб, ривожлантириб боришимиз учун эса кенг имкониятлар мавжуд. Жумладан, хорижий давлатларга янги рейслар очилмоқда, мавжуд ҳам йўналишларининг сони қўлатирилмоқда. Хиндистон рейсларининг деярли 2,5 баробар қўлатирилган. Биринчиси «Хитроу» аэропорти билан бир қаторда Бирингемга ҳам парвозлар ўштираилаётгани ва ниҳоят Буюк Ипак йўлидаги икки тарихий марказ, қадимий маданият ўқоқлари — Тошкент ва Римни бирлаштириш учун 6 апрелда дастлабки рейсининг очилиши бу йўлдаги муҳим қадамлардан-дир.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконкомпанияси турли тизимларининг раҳбарлари ҳам ўш соҳаларидаги муваффақиятлар — Европа сертификат олиниб, техник хизмат қўрсатиш

маркази орқали А-310, «Бонинг-767», FJ-85 каби хориж кемалари ўзимизда созланаётгани, ушбу самолётларга ўқувчиларни юртимизда тайёрлаш йўлга қўйилгани, мамлакатимиз йирик шаҳарларидаги аэропортларнинг замонавий сўз олаётгани, йўловчиларга хизмат қўрсатиш даражасининг ортиб бораётганини фар билан таъкидлаб ўтди.

Энг муҳими, бу йил ташкил қилинган авиайўловчилар сони 2 миллионга, халқ ҳўжалиги юклари эса 40 тоннага етказилди, янги қатор рейслар очилди. Буларнинг барчаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиаконкомпаниясининг МДХ ва узоқ хорижа давлатлари ўртасида нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Дилшод ИСМОИЛ.

СИДНЕЙ ОЛИМПИАДАСИ ТАРАДДУДИ

КЕЧА

Миллий матбуот марказида шу йилнинг сентябрь-октябр ойларида Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтаётган XXVII олимпиада ўйналарини спортчиларимизнинг тайёргарлиги бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда олимпиадага йўллама оқан энг етук спортчиларимиз, спорт турлари бўйича терма жамоаларимиз мураббийлари, спорт мактабларининг директорлари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳмидий Махситов, республика вице-президенти Игорь Барабанов юртимиз спортчиларининг олимпиадага тайёргарлиги ва уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳусусида тўхталишди. Шунинг айтиш керакки, шу кунгача 36 нафар спортчимиз олимпиадага қатнашиш ҳўкуқини қўлга киритган бўлса, яна шунча спорт-

Шарқ гурдоналари

Оз-оз ўтганиб
Домо бўлур...

• Келтиришларча бир бахил киши тарки ватан қилиб оворалик йўлини тутди ва саҳрога бош уриб, биёбон кезишга тушди. Тасодифан, йўлда икки кишига дуч келиб қолди. Бу икки киши ҳам бахил киши эди. Улар бир-бири билан танишган, ҳар учови бир-бирининг бахил кишилардан эканини сезишди ва тезда тил топиб кетишди. Улар йўлда очкиб қолишса белга туғилган нонларини олишар, бир-бировига тескари қараган ҳолда овқатланиб, яна йўлда давом этишар эди. Йўлда улардан бири қолганларига деди:

— Эй, ёронлар, сизлар нима учун тарки ватан қилиб, оворалик йўлини тутдингиз? Нима учун роҳатни мусофирлик меҳнатига алмаштирддингиз?

Улардан бири деди:

— Мен яшаётган жойда менга ёқмайдиган ишлар бўлиб туради. Уларни кўрсам раҳим ва ҳасадим кўзаб, доимо кўнглим эзилди юради. Биров-бировга яхшилик қилса ҳеч кўролмайман. Ўзимга-ўзим дедим: «Кел, бир-икки кун тарки ватан қилай, уларни кўрмай турсам, аҳтимол, кўнглим сал таскин топар!» Шундай деб ватанни тарк этиб, овра бўлиб юрибман!

Иккинчиси сўз бошлаб деди:

— Ё тавба, мени ҳам кийнаган шу нарс! Шу нарс! Туфайли мен ҳам ўз юртимни ташлаб чиқдим! Қаёққа боришни ўзим ҳам билмайман!

Учинчиси:

— Ҳар икковингиз ҳам мен мубтало бўлган дардга учирабсиз! Мен ҳам ҳасад ўтига чидай олмай, ватанни тарк этдим!

Ҳар учови ўзаро тил топишиб, бир дардга мубтало эканликларини билишган, иттифоқ бўлиб йўлда давом этдилар.

Бу ерга келишгач, йўлдан бир ҳамён олтин топиб оlishди. Узоқ ўтириб, олтинни ҳеч бўлишолмади. Уларнинг ҳар бири ҳасад юзасидан олтиннинг барини олиш иштиёқида ёнишар, қолган иккита шеригининг олишини хошлашмасди. Улар олтинни бутунлай ташлаб кетайлик дейишса ташлаб кетишолмас, бўлиб олайлик дейишса, ҳасад туфайли бошқа шерикларининг олишини исташмас эди. Шундай қилиб, бир кеча-кундуз саҳрода жанг қилдилар. Очлик ва ташналик уларни ҳолдан тийдирди.

Улардан нарироқда ўша юрт ҳокими ов қилиб юрган эди. Саҳро ўртасида уч кишининг ўтирганини кўриб, бир кишини юборди ва уларнинг ким ва нима қилиб ўтирганини билиб келишни тайинлади. Ҳоким юборган киши қайтиб келиб:

— Эй ҳоким, улар уч ҳасадчи эканлар. Олтин тўла ҳамён топиб олишдибди. Бир кеча-кундуздан бери ҳасад туфайли уни тақсим қилишолмай, жанг қилишадиган экан! — деб хабар берди.

Ҳоким:

— Бундан ҳам яхшироқ ов бўлмайди! — деб, отдан тушиб ва уларни чақиртириб келди. Сўнг уларга:

— Ҳар бирингиз ўз ҳасадингизни қай даражада эканини айтиб беринг. Шунга қараб олтинни тақсимлаймиз! — деди.

Биринчиси деди:

— Эй ҳоким, менинг ҳасадим шу даражадаки мен ҳеч қачон бировга яхшилик қилолмайман! Мабо, яхшилик қилсам, у одам тинч ва осуда бўлса мен ғамгин бўламан!

Иккинчиси биринчисига қараб:

— Сен бахиллик ва ҳасаддан бебаҳра экансан! Менинг бахиллик ва ҳасадим шу даражадаки, биров-бировга яхшилик қилса, ўз молидан бировга бериб, у одамни хотиржам қилса, мен ўзимни қаёққа уришни билмай қоламан! — деди.

Учинчиси:

— Ҳар икковингизда ҳам бахиллик ва ҳасаддан асар йўқ экан! Сизларнинг қилган давсонгиз бир пул! Менинг бахиллик ва ҳасадим шу даражадаки, агар бирор киши менга яхшилик қилса, фойдали сўзларни айтса, ҳасаддан жигарим қуйиб кетади! — деди.

Уларнинг гапини эшитган кишилар ёқаларини тутиб, ҳайрат бармоғини тишлаб қолдилар.

Ҳоким уларга:

— Ҳаёт сизлар учун ҳаромдир! Ҳар бирингизга лойиқ жазо бермоқ керак! Донолар: «Ситамкорга ситам қилмоқ адолатдир» дейишган, деди-да, ҳар кимга яхшилик қилишни хошламаган ҳасадчини яланг-бош, ялангоёқ ҳеч бир овқатсиз саҳронинг ичкари-сига элтиб ташлашни буюрди. Бировнинг бировга яхшилик қилишини кўролмайдиган кишининг бошини танидан жудо қилиб, ҳасад ва бахиллик олами-дан қутқаришга амр қилди. Учинчиси эса яланг-бош қилиб, қўлини орқасига боғлаб, бўйнига тош осиб, дарёда чўктириб ўлдиришга фармон берди.

Шундай қилиб, бу уч ҳасадчи ўз феълларининг қурбони бўлишди.

НАЗМ:

Дармон қабул қилмас иллат ҳасаддир,
Ҳасадчининг домлиги беҳаддир!

Эй азиз, бу ҳикоятни шунинг учун келтирдимки, одамлар ҳеч ранж ва бало ҳасад ва бахилликдан қура оғирроқ эмаслигини билсинлар! Ҳасадчи киши одамларнинг шод ва хушхоллигидан доимо ғам чекади, алам тортади! Ҳа дунёда ҳасад ва бахилликдан кўра ёмонроқ дарду алам йўқ! Шундай экан, сен доимо бундай кишилардан узоқ қур, уларнинг суҳбатидан қоч!

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ.

• Ҳаким Фирдавсий тарбияси бузуқ кишилар ҳақида қуйидаги назмни келтиради.

НАЗМ:

Аччиқ бўлса дараст, уни кўчирсанг,
Жаннатга этсанг-у, яхшилаб эксанг.
Қавсар суви билан сугурсанг уни,
Ўғит учун асал солсанг ҳар кун.
Оқибат меваси пишгани замон,
Ўша аччиқ мева бўлар беғумон!

Иби КАМОЛПОШШО.

Форс, араб тилларидан Махмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Яқинда пойтахтимизда темирйўлчиларнинг муҳ-ташам маданият саройида «Ўзбекистон — Ватаним манзим» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳри бўйича навбатдаги III босқич бўлиб, унда тармоқ қасаба уюшмалари шаҳар кўмиталари тасарруфидан қорхона, ташкилот, муассасаларнинг бадий ҳаваскорлик жамоалари қатнашди.

Кўшиқчилик, хор, вокал-чолгу, рақс, халқ бадий ижодиёти жанрлари бўйича кўрик-танловда аввалги босқичда ғолиб чиққан иштирокчилар ва жамоалар санъатларини намойиш этиб мухлислари ва томошабинларни мамнун этиб, олқишларга сазовор бўлишди. Барчани, айниқса ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга бағишланган ушбу тадбирнинг халқчиллиги, миллийлиги, халқлар дўстлиги, тинчликни тараннум этиш, яратилган асарлар савиясининг юксалтирилганлиги, ижро маҳоратининг ошиб бораётганлиги, мазкур кўрик-танлов нуфузининг ўсишига, янада оммавийлаштириб боришига хизмат қилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан туғилган, боқий миллий маданият қадриятларини мизга айланиб бораётган, маҳорат бобида турлича имкониятга эга бўлган хонандалар, созанда, мазкур кўрик-танлов нуфузининг ўсишига, янада оммавийлаштириб боришига хизмат қилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан туғилган, боқий миллий маданият қадриятларини мизга айланиб бораётган, маҳорат бобида турлича имкониятга эга бўлган хонандалар, созанда, мазкур кўрик-танлов нуфузининг ўсишига, янада оммавийлаштириб боришига хизмат қилмоқда.

Мазлумки, Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши ва унинг тасарруфидан тармоқ қасаба уюшмалари шаҳар кўмиталарида меҳнатқашлар ҳамда улар фарзандларини санъатдан баҳраманд қилиб, истеъдодларини намойиш этишлари зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Саҳнага қадам қўётган умидли ёшлар ва бадий жамоалар қорхона, ташкилот, муассасаларда Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамларида ва бошқа шодиёналарда ажойиб санъатлари билан мух-лисларга бир олам завқ-шавқ қувонч ҳаля этмоқдалар. Кўшиқчилик жанри бўйича саккиз нафар ижро-чи, хор жанрида иккита жамоа, вокал-чолгу гуруҳлари бўйича маҳорат кўригида тўрт нафар, рақс санъати

маданият саройининг «Фозил» вокал-чолгу гуруҳи эса иккинчи ўринни эгаллади. Рақс санъати борасида «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти маданият саройининг умидли санъат гунаҳари гузал рақслари билан барчага бир олам шодлик, завқ-шавқ бахшида этиб, ғолиб чиқишга муяссар бўлишди. «Фотон» очик акциядорлик жамиятининг рақс жамоаси иккинчи, В. П. Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акция-

Танловлар

ЭЗГУЛИК ВА
САНЪАТ
БАЙРАМИ

бобида 10 нафар жамоа, халқ бадий ижодиёти жанрида тўрт нафар жамоа ўз-ро беллашиб, санъатларини томошабинларнинг ҳукмига ҳавола этдилар.

Этиборли ҳайрат аъзолари чучуқ таҳлил асосида оли-лона, ҳолисона ёндошиб ғолибларни аниқлашди.

Кўшиқчилик жанри бўйича Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Ипак парилари» халқ бадий ҳаваскорлик жамоаси-нинг яхкашон хонандаси Шаҳноза Йўлдошева ғалаба қозониб, биринчи ўринни, «Қизил тонг» акциядорлик жамияти И. Ганди номидаги маданият саройининг хонандаси Мухаммадхон Мотисаев иккинчи ўринни, «Шарқ» нарийёт-матбаа концерни «Висол» гуруҳининг яхкашон Раҳматилла Нуриллаев учинчи ўринни эгаллашга мушарраф бўлиди.

«Ақмал Икромов савдо» ташкилоти «Гулистон» гуруҳининг хонандаси Равайн Аҳмедовнинг тиниқ, янграқ овози, ижро маҳорати кел-гусида ёрқин истеъдод соҳи-бига айланишидан дарак бер-иб, совринли ўрин эгаси бўлмасда муҳими, ижодкор-га кўпчиликнинг назари тушди.

Хор жанри бўйича Ўзбекистон миллий университети маданият саройининг хор жамоаси маҳорат билан қатнашиб, бир овоздан ғолиб деб топилиди.

Вокал-чолгу гуруҳлари бўйича «Қизил тонг» акциядорлик жамиятининг И. Ганди номидаги маданият саройи А. Қосимов раҳбарли-даги доирачилар ансамбли маҳоратлари билан барчага завқ-шавқ бағишлаб, зафар қозондилар, темирйўлчилар

Улугбек ПҲЛАТОВ.

2000 — Соғлом авлод йили

Шаҳримизда Соғлом авлод йили муносабати билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, Австриянинг «Сименс» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган, ўта замонавий услубда, энг юқори сифатли техникалар билан жиҳозланган янги туғруқ мажмуи ҳам Соғлом авлод йилига муносиб совға бўлди.

Хабарингиз борми?

МУНОСИБ СОВҒА

Республика Соғлиқни сақлаш вазирли-ги, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти ва клиникаси ташаббуси билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш концепцияси-га асосан бу туғруқ мажмуи яқинда фой-даланишга топширилди. Бу ерда оналик бахтига мушарраф бўлган аёлларнинг бе-малол 70 таси бир пайтнинг ўзига жойла-шилди ва неонатология, экстрагенитал ка-салликлар, ҳомилдорлик даври касаллик-ларини даволаш ва гинекология бўлимла-рида болалари билан юқори тоифали ши-фокорлар қўлида даво топадилар. Жаҳон андозаларига кўра жиҳозланган бу туғруқ мажмуида туғилган чақалоқлар бошқа хо-нага эмас, балки оналари ёнига жойлаш-тирилади.

Бундан ташқари 1-Тошкент Давлат тиб-биёт институти ва клиникаси ҳудудига ушбу туғруқ мажмуидан унча узоқ бўлмаган май-донда яна бир ишоот қад ростиламоқда. Туркиянинг нуфузли «Ай-Сель» фирмаси то-монидан бунёд этилаётган бу ишоот бир-бирига қарама-қарши жойлашадиган, иккита олти қаватдан иборат янги туғруқ мажмуига мўлжалланган.

Кўпгина афзалликларга эга, республи-камизда энг ҳашаматли бу ишоот юқори малакали шифокорлар хизмат қиладиган ягона туғруқ мажмуи бўлишига умид қила-миз. Бу соғлиқни сақлаш йўлида қўйилган яна бир катта қадам бўлади.

Феруза ЗУФАРОВА.

Суратли ахборот

ДАСТУР АСОСИДА

Келажак авлодининг ҳар томонлама соғлом ва фикридан баркамол бўли-ши унинг нафақат тар-бияси, балки ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиши, спорт билан шуғуллани-ши, ҳатто меҳрибон овқ-атланишига бўлган жараёнини қамраб олади. Шайхонтоҳур ту-манида жойлашган 234-мактабда бунга алоҳида эътибор берилмоқда.



— Президентимиз та-шаббуси билан бу йил Со-ғлом авлод йили деб эълон қилинди ва бу борада ҳу-куматимизнинг махсус кар-ори билан «Соғлом авлод» давлат дастури ҳам қабул қилинди, — дейди мактаб директори Йўлчи Абдулла-ев. — Ушбу дастури ижро этиш жараёнида эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор йўналишлар ҳам аниқ-равшан белгилаб бе-рилди. Унда бола тарбия-

си билан боғлиқ бўлган бар-ча масалалар ўз аксини то-пан.

Шуни назарда тутиб, мак-табимизда таълим олаётган 1438 ўқувчининг билим оли-ши, етук ва соғлом бўлиши учун керак бўлган барча ша-роитларни яратишга ҳаракат қилиялмиш. Хусусан бу ҳақ-да борганда, мактабимиз

ошхонасини қайта таъмир-лаганимиз ва уни ўқувчи-лар дидига мослаб беаза-нимиз ҳақида гапириш жоиз. Ҳозирги кунда бу ерда Носир Маъруфов бош-чилигидаги ошпазлар ўқув-чилар учун сифатли ва ранг-баранг таомлар тайёр-лашмоқда.

Шунингдек, бизда мак-таб — маҳалла ҳамкорлиги ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, «Новза» маҳалла-си оқсоқоли Ақром Усмо-нов билан алоҳида режа ишлаб чиққанмиш. Шунга биноан вақти-вақти билан мактабимизда «Соғлом ав-лод» дастурининг олти йўналиши бўйича мутахас-сисларни тақлиф этиб, улар билан турли мавзуларда суҳбатлар уюштирилмоқда.

Усмон УСМОНОВ.

СУРАТЛАРДА: мактаб-нинг янги таъмирланган ошхонасида кичиктай-лар гуруҳ-гуруҳларга бўлинишиб овқатлани-шади.

Муаллиф олган суратлар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» СУПЕРМАРКЕТИ ОЧИҚ
АКЦИОНЕРЛИК САВДО-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАМИЯТИ
2000 ЙИЛ 24 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАР БЎЙИЧА ХИСОБОТ

ЭМИТЕНТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

1. Эмитентнинг тўла ва қисқартирилган номи: «Тошкент универмаги» супермаркети очик акцио-нерлик савдо-ишлаб чиқариш жамияти.
2. Юридик манзили: 700029, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ўзбекистон шохқўчаси, 17. Телефон: 133-62-88.
3. Эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказилиш рақами ва ўтказилган пайти: 1997 йил 26 июнь, № 215.
4. Ташкилий-ҳуқуқий шакли: очик акционерлик жамияти.
5. Эмитентнинг ҳисоб рақами, хизмат кўрсатувчи банк муассасасининг номи ва реквизитлари: ҳисоб рақами 20208000200101301001, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки қошидаги оперу, МФО 00440.

«Тошкент универмаги» ОАСИЧЖ 1997 йил 26 июнда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-гида рўйхатдан ўтказилган, реестр рақами № 215.

Қимматли қоғозлар тури — оддий номи кўрсатилган ва нуфузли акциялар.

Акцияларни чиқариш шакли — «Вақт» миллий депозитарийида ёзувлар сақлангани ҳолда сертификатлар кўринишида нақд бўлмаган ҳолда, рўйхатдан ўтказилиш вақти: № 558 қўшимча келишув, № 2024 Д рақамли 1995 йил 21 ноябрда тузилган шартномага 1998 йил 9 сентябрдаги қўшма протокол.

Чиқариш ҳажми — 55280000 (эллик беш миллион икки юз саксон минг) сўмлик.

Чиқарилган акциялар миқдори — 552800 (беш юз эллик икки минг саккиз юз) та акция. Акция-нинг номинал қиймати — 100 сўм.

АКЦИЯЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ:

1. Давлатга тегишли бўлган акциялар — миқдори 13820 минг сўмлик 138200 акция.
2. Нуфузли акциялар — миқдори 594,3 минг сўмлик 5493 акция.
3. Очик ёзилиш йўли билан меҳнат жамоаси ўртасида тарқатилган оддий, номи кўрсатилган акциялар — миқдори 13655,4 минг сўмлик 136554 акция.
4. Эркин савдода жисмоний шахсларга сотилган акциялар — миқдори 13435,3 минг сўмлик 134353 акция.
5. Хорижий инвесторларга сотилган акциялар миқдори — 13820 минг сўмлик 138200 акция.

«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» СУПЕРМАРКЕТ ОАСИЧЖ БОШҚАРУВИ.

«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» ОЧИҚ
АКЦИОНЕРЛИК САВДО-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ЖАМИЯТИНИНГ 1999 ЙИЛ УЧУН
БУХГАЛТЕРЛИК БАЛАНСИ

№	Баланс активи	Сўмма	Баланс пасиви	Сўмма (минг сўмларда)
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	98010	Низом сармоиси	55280
2.	Узоқ муддатли инвестициялар	2311	Қўшилган сармоя	13588
3.	Товар-моддий захира-лар	258782	Захира сармоиси	7568
4.	Пул маблағлари	61847	Тақсимиаланган фойда	152635
5.	Депозитлар	2675	Мақсадли фондлар	35018
6.	Бюджет билан ҳисоб-китоблар	703	Корхона	12051
			Иш ҳақи бўйича қарздорлик	2559
			Кредиторлар	145629
	Баланс:	424328	Баланс:	424328

1999 йилнинг молиявий натижалари — минг сўмларда

1. Махсулот сотишдан тушган тушум — 2540388

2. Умумий ҳўжалик юритиш фаолиятининг молиявий натижалари (солиқлар тўлангунча қадар) — 485933

3. Соф фойда — 152635

4. Рентабеллилик — 6,01 фоиз

Балансининг ҳаққонийлиги «Ўзбексавдо»нинг «Аудит ЛТД» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.



Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қозғоқ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га
— 133-74-05 телефонга мурожаат
қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтин тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.